



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 14 февраль, № 32 (8927)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«СОҒЛОМ ИНСОН – СОҒЛОМ МИЛЛАТ» ҒОЯСИ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛанади

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Миллий Олимпия қўмитаси раиси Шавкат Мирзиёев бошчилигида 13 февраль кун олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ҳар бир ота-она, ҳар бир миллатнинг нияти — жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдир. Бунга эса жисмоний тарбия ва спортсиз эришиб бўлмайди. Спорт соғлом халқ, соғлом авлоднинг таъини устунидир.

Шу боис давлатимиз томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилади. Сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошди. Мураббийларнинг ўртача маоши 2 баробар кўпайди. 101 та ийрик спорт иншооти қурилди, 67 таси реконструкция қилинди. Спортчиларимизнинг Париж Олимпиадасида эришган ютуқлари бу эътиборнинг ёрқин натижалари бўлди.

Энди 2028 йилда Лос-Анжелесда бўладиган Олимпия ўйинларида кучли ўнтакка кириш мақсад қилинган. Бунинг учун тайёргарликни кучайтириш, спорт федерацияларини ривожлантириш зарур.

Йиғилишда бу масалалар 26 та спорт федерацияси ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилинди.

Масалан, сўнгги Олимпия ўйинларида 48 та дастур бўлган энгил атлетика бўйича 5 та, 49 та сув спорт дастуридан 4 та лицензия олинган, холос. Қорақалпоғистон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва сирдарёлик спортчилар паст натижа кўрсатган.

Шу боис иқтидорли ёшларни топиш, олимпия спорт турларига тайёрлаш, уларни ва мураббийларни рағбатлантириш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги қатор ташаббусларни илгари сурди.

Авалло, олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, селекция тизимини яхшилаш мақсадида Олимпия қўмитасининг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилди. Миллий Олимпия қўмитаси раиси Президент бўлганда, ҳудудий бўлиmlарга вилоят ҳокимлари бошчилиги қилинди.

Улар ҳар бир федерация билан бирга Олимпия ўйинларига тайёргарлик даври бўйича стратегия ишлаб чиқади. Бунинг учун за-

рур шароит ва инфратузилмага 300 миллиард сўм йўналтирилди.

Шунингдек, чет элдан илгор тажрибалар, грантлар жалб қилиш чоралари қўрилади. Спортчи ва мураббийлар хорижий спорт академияларида ўқитилади. Олдинги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари натижасига қараб спорт турлари устуворлиги бўйича 3 та тоифага ажратилади.

Ҳудудлардаги 310 та спорт мактаби миллий терма жамоаларнинг селекция базасига айланиши кераклиги таъкидланди. Уларда янги методика ва ёндашувлар жорий қилинади.

Олимпия спорт турларига мослаштирилган 56 та спорт мактаби миллий терма жамоаларга асосий захира бўлади. Уларда ҳудуддан сараланган ёшлар индивидуал режа асосида мақсадли тайёрланади.

Шунингдек, йилга икки марта ҳудудларда олимпия спорт турлари бўйича «Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари» мусобақалар тизими йўлга қўйилади. Туман ва вилоят совриндорларини ҳокимлар рағбатлантириб боради. Вилоят босқичи голиблари ҳар йили декабрда Олимпия шаҳарчасида ўтказиладиган «Президент Олимпиадаси»да иштирок этади.

Мусобақа голиблари уй, автомобиль каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Биринчи ва иккинчи ўринни олган спортчилар Республика олимпия ва паралимпия марказига қабул қилинади. Бунда 1 ва 2-курс ўқувчиларига стипендия тўлаш йўлга қўйилади. Президентимиз мусобақаларда юқори натижа кўрсатган спортчи ва терма жамоа устозлари қаторида спортчиларни етиштирган биринчи мураббийларни ҳам рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда параспорт имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Илгари бу тоифадаги ёшлар учун атиги 33 та мактабда спорт тўғрисида бўлган, бугун бундай мактаблар сони 235 тага етди. Параспорт билан мунтазам шуғулланувчилар 4 карра кўпайиб, 7 мингдан ошди.

Энди Герцен номидаги Россия давлат пе-

дагогика университети билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган ёшларни спорт билан қамраб олиш, натижадорлигини таъминлаш бўйича илмий методика ва стандартлар ишлаб чиқилади. Унинг Тошкентдаги филиалида адаптив спорт бўйича алоҳида факультет очилади.

Шунингдек, ҳудудлардаги 39 та спорт мактаби параспорт турларига ихтисослаштирилади. Бундай ёшларни, айниқса, ногиронлиги бўлган қизларни имкониятига қараб бошқа соғлом спорт гуруҳларида ҳам шуғулланишига шароит яратилади. Тренерларга малака сертификатлари бериш ва уларни қайта тайёрлаш тизими соддалаштирилади.

Параспорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш тартиби ҳам ўзгартирилади. Бундан бунён ёшлар факат мусобақа натижасига қараб эмас, балки спорт нормативларини бажаришига қараб ҳам терма жамоага қабул қилинади. Бунда ногиронлиги бўлган спортчиларнинг кўрсаткичларини мониторинг қилиб борадиган алоҳида онлайн платформа бўлади.

Мусобақа ва спорт йиғинлари ташкил қилишда олимпия ва паралимпия тизимига ўтилади. Яъни қаерда чемпионат бўлса, унга ёнма-ён параспорт мусобақаси ҳам ўтказилади, йиғинлар ҳам биргаликда ташкил қилинади. Бу ҳақиқий инклюзив тизимга айланади, ногиронлиги бор спортчилар учун ишонч ва рағбат бўлади.

Спорт соҳасида ҳам хусусий секторга кенг йўл очилиши қайд этилди. Энди хусусий спорт клубларининг ягона реестри юритилади, уларнинг фаолияти бўйича мезонлар яратилади. Қамров даражасига қараб, клубларга бепул спорт жиҳозлари ажратилади. Хусусий мураббийларга ўзини ўзи банд қилиш ҳуқуқи берилади.

Муҳими, хусусий клублардаги ёшлар барча мусобақаларда ўз номидан иштирок этиши мумкин бўлади ва натижасига қараб терма жамоаларга қабул қилинади.

Спортчиларни топиш, саралаш ва тайёрлаш жараёнига рақамлаштириш кенг жорий қилиш, адолатни таъминлаб, қобилиятли

ёшларни юзага чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Утган йили мусобақаларда ёшлар қамрови 10 миллионга етган. Лекин катта ёшдаги инсонларнинг спортда иштироки кам.

Шу боис энди маҳаллаларда оммавий жисмоний фаоллик тадбирлари ўтказилади, бу бўйича рейтинг юритилади. Йил якуни билан энг фаол оилаларга машқ жиҳози берилади, энг яхши маҳаллаларда спорт майдончалари қурилади.

Ўқувчиларни спортга кенг жалб этиш мақсадида ҳар бир мактабда яққақураш ва жамоавий олимпия спорт турлари бўйича тўғрақлар очилади. Мактаблар ўртасида олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинади. Энг яхши натижа кўрсатган ўқувчилар селекция қилиниб, мактаблар эса керакли спорт инвентари билан таъминланади. Натижа кўрсатган жисмоний тарбия ўқитувчилари алоҳида рағбатлантирилади.

Юртимизда 700 мингдан зиёд талабалар борлиги қайд этилиб, улар ўртасида спортга ҳавасни кучайтириш, қамровни ошириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Аҳолини соғлом турмуш тарзига ўргатишда нафақат спорт, балки тўри овқатланиш ҳам долзарб. Ўрганишларга кўра аҳолиимизнинг 44 фоизи жисмоний фаол эмас, 36 фоизи тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилмайди. Бошқоқли ва доғли маҳсулотлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилмайди. Тез тайёр бўлувчи ва таркибиде канцероген моддалар юқори бўлган маҳсулотлар савдоси кўпайган. Булар турли касалликлар ва эрта ўлимларга сабаб бўляпти.

Шу боис «Соғлом инсон — соғлом миллат» ғояси умуммиллий ҳаракатга айлантирилиши таъкидланди. Бунинг учун соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик тарғиботини ҳар бир оилага олиб кириш кераклиги айтилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ва спортчилар билан мулоқот бўлди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2024 йил 18 апрель) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 26 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2025 йил 25 январда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Душанбе, 2024 йил 18 апрель) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 12 февраль
№ ЎРҚ—1029

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 15 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2025 йил 25 январда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қоғалатларини таъминлаш ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳамда рақамлаштириш орқали фуқароларга қўшимча қўлайликлар яратилаётганлиги ва маъмурий ислохотлар доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари қайта ташкил этилганлиги муносабати билан қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат мажмуида электрон шаклдаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш тартибини жорий этишни, иш ҳақи сақланмайдиган таътил давомийлигини белгилаш тартибини ва ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартибини ўзгартиришни назарда tutувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ходимлар кечки ёки сиртки таълим шаклида ўқиши мумкин бўлган таълим ташкилотларининг турларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги сабабли ходимни ишдан бўшатишга таъқиқ жорий этилмоқда.

Шунингдек ушбу Қонун билан киритилаётган ўзгартиришлар мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахсининг паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига, меҳнат дафтарчасига оид маълумотларни мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идораларо интеграциялашув платформалари орқали сураб олади.

(Давоми 2-бетда).

Сенатор ва ҳаёт МУҲОКАМА МАВЗУИ — ҲУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Сенаторлар ҳудудларда бўлиб, маҳаллий Кенгашлар, «маҳалла еттилиги» ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов халқ депутатлари Ришондарё вилояти Кенгаши ҳамда Шўрчи тумани Кенгашида бўлиб парламент асосида қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида ба- тафсил тушунтириш бе- рилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини намунали ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида шу йилнинг биринчи ярмида ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) Кенгаши намунали фаолият юритиши белгиланган. Навоий вилоятида ушбу тажриба учун халқ депутатлари Қизилтепа тумани Кенгаши таллаб олинди.

Олий Мажлис Сенатида

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ: ЯНГИ ТАРТИБ ВА ЕЧИМЛАР



Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида ўзини ўзи банд қилиш тартибиде меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг айрим масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Сенат томонидан илгари аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш, фуқаролар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш орқали пенсия учун зарур меҳнат стажини ҳисобга олиш борасидаги ишлар ҳолати ўрганилган. Натижалари бўйича аниқланган қатор долзарб масалалар юзасидан ҳукуматта парламент сўрови юборилган.

Мажлисида парламент сўрови юзасидан муйайн ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Солиқ кодексининг 408-моддасида назарда тутилган ўзини ўзи банд қилган шахслар тўлайдиган ижтимоий солиқ ҳисобот йилнинг 1 декаб- ригача амалга оширилишига оид норма қайта кўриб чиқилиб, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгарти- ришлар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган, ушбу қонун асосида маъмур тоифада- ги ижтимоий солиқ ўқисот йилнинг 31 декаб-

ригача бажарилиши белгиланган. Парламент сўровида келтирилган айрим масалалар ўз ечимини топмаган, амалий чоралар қўрилмаган. Ўзини ўзи банд қилган шахслар то- монидан ижтимоий солиқ суммаси белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолларда меҳнат ста- жини тўланган солиқ миқдорига мутаносиб ра- вишда инобатга олиш ёки тўланган суммани солиқ тўловчига қайтаришнинг ҳуқуқий меха- низмларини жорий этиш, ижтимоий солиқ миқ- дорига оид тегишли қонун ҳужжатларидаги ўзро- номувофиқлик ҳолатларини бартараф этиш шу- лар жумласидандир. Мутасаддиларга уларни тез фурсатда ижобий ҳал қилиш юзасидан кўрсат- малар берилди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Омбудсманнинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси, шунингдек, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоялаш, рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини ошириш, паррандачилик соҳасини ривожлантириш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилашга оид қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

3

Ўқимизишли оналар — БУЮК КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Онанинг жамиятдаги мавқеи қанча юксалса, миллат ҳам шунча кўтарилади — қаддини тиклайди. Халқнинг интеллектуал даражаси ортади. Зеро, оналар энг буюк тарбиячи ва муаллимдир.

Мушоҳада

Боласини дунёга келтирган она унинг киндигини ўзи кесган. Бу Ер юзиде биринчи шифокор-жарроҳ аёл бўлганини аналатади. Боласига алла айтган аёл — бу биринчи шoir, илк муаллим. Фарзандига нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўргатган аёл — бу илк тарбиячи.

Буюк шахсларни буюк оналар дунёга келтиради, улғайтиради ва инсониятга тақдим этади. Бундай улғу- вур вазифани беминнат бажарган зот — бу она.

Ривожланиш йўлини танлаган мамлакатлар хотин-қизларга, айниқса, олимпиадаларга биринчи даражада эътибор кўрсатади. Демак, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида ўқимизишли хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, елкасидаги баъзи кераксиз оғир юкларни камайтириш, уларнинг кўнглини кўтариш жуда-жуда муҳим.

Онани соғломлаштиришда туриб жамиятни соғломлаштириб бўлмайди. Онанинг таъсири эса оила ҳудуди билан чегараланмайди. Онанинг тарбия маҳсули аллақачон жамиятни ҳаракатга келтирувчи механизмга айланган.

Миллатимиз тарихида муҳим ўрин тутган олимпиадалар номини улуғлаш борасида ҳам қилинган зарур бўлган ишлар бор, албатта.

Берунийнинг онаси, Алишер Навоийнинг онаси, Мирзо Улугбекнинг онаси... Менинг назаримда, Ер юзидаги биринчи олим ҳам оналардир.

Олимпиадаларнинг жамиятга қанчалик кераклиги, зарурлигини исботлаш учун яна қанча мисол керак! Аслида ҳам оналик, ҳам олимпик мартабасини баравар тутган аёллар бугун бир жамият таъмин қилиши керак эмасми?

2016 йилгача барча соҳада бўлган каби олимпиадаларга нисбатан ҳам адолатсизлик, камситиш бор эди. Минг афсуски, бундай қалтабин қарашлар оқибатида олимпиадаларнинг сафи кескин камайиб кетди. Биз нафосат соҳибалари елкасида зўр бериб, ҳатто эркаклар кўтара олмайдиган ўта оғир юкларни орт-

дик. Бунинг оқибатида миллатнинг интеллектуал даражаси кескин пасайиб кетди...

Бугун Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш ва мустаҳкамлаш борасида улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Бу кейинги йилларда миллатнинг интеллектуал даражаси анча ўсганида, тарбиячи, олимпиадаларимиз жамиятни ўзгартириш учун қанча фарзандларни улғайтираётганида ҳам намоен бўлмоқда.

Тошкентда бошланган олимпиадалар форуми ҳақида ўқиб, эшитиб кўнглимдан шундай ўйлар ўтди.

Форумда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева олимпиадаларга Президентимизнинг салом ва табригини олиб келганлигининг ўзи ҳам олимпиадалар жамият ва давлат учун қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ушбу Қонун фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари таъминлашига, меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг электрон тизимга ўтишини таъминлашга, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларига ишга қираётган фуқаролардан ортқича ҳужжатларни талаб қилиш ҳолларини бартараф этишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган УРҚ-798-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 7, 627-модда, № 9, 964-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 11-модда: олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчиларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги давлат муассасаларига (дипломатик, консуллик муассасаларига ва бошқа муассасаларга) ишга юборилган ходимларга ва муқобил хизматни ўтаётган шахсларга нисбатан қонунларда назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда таътиб этилади»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин: «Давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнатга оид муносабатларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинмаган қисми бўйича таътиб этилади»;

еттинчи – ўн учинчи қисмлари тегишинча сақининчи – ўн тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

2) 27-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «шартнома» деган сўз «меҳнат шартномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 29-модда: иккинчи қисмининг ўзбекча матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат грантлари бўйича таълим олган олий таълим ташкилотларининг битирувчилари билан ақка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар уларни олий таълим ташкилотининг тақсимот комиссияси томонидан берилган ишга юбориш йўлнамаси натижасида, меҳнат шартномаси асосида юзага келади»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Муқобил хизматга қақирилган фуқароларнинг ақка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлари уларни туман (шаҳар) мудоффа ишлари бўлимининг муқобил хизматни ўташ жойини тайинлаш тўғрисидаги қўрсатмасига асосан ташкилотларга юборилиши натижасида, меҳнат шартномасига асосан юзага келади»;

4) 39-модданин иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 51-модданин учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 79-модданин биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 83-модданин биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 88-модданин: биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 92-модданин: иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 93-модданин матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 106-модда: биринчи қисми «ёзма» деган сўздан кейин «(қоғозда ёки электрон)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: «Электрон шаклдаги меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат мажмуида расмийлаштирилади»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча учинчи – еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

12) 107-модда иккинчи қисмининг: олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин; олтинчи ва еттинчи хатбошиси тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошиси деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошисидаги «(мавжуд бўлганда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) 118-модданин иккинчи қисмидаги «қасб-хунар таълим ташкилотларининг, қасб-хунар мактабларининг, коллежлар ва техникумларнинг» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 123-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 124-модда: биринчи қисми: бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «қасб-хунар таълим» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи, еттинчи ва сақининчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақамини»; қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ҳамда учинчи хатбошисларида назарда тутилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлари тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

16) 164-модда иккинчи қисми учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «таркибий» деган сўз чиқариб ташлансин;

17) 168-модда биринчи қисмининг 7-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 218-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «давлат ходимларининг» деган сўзлар «ҳодимларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) 229-модданин тўртинчи қисмидаги «ушбу Кодекс 233-моддасининг иккинчи қисмига» деган сўзлар «ушбу Кодекс 233-моддасининг учинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 233-модда: қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Хар йилги меҳнат таътили вақти учун ҳақ тўлашда яқшанба кунини инобатга олинмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

21) 234-модда: қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Пулли компенсация тўлашда яқшанба кунини инобатга олинмайди»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

22) 241-модданин иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ходимнинг ёзма аризасига қўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга қўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортқ бўлмаслиги керак»;

23) 245-модданин биринчи қисмидаги «Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан ишлаб чиқилган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда» деган сўзлар «инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан ишлаб чиқилган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 257-модданин: биринчи қисми «Ушбу Кодексда» деган сўзлардан кейин «ва қонунчиликда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «амалга оширилган тўловларнинг барча турлари» деган сўзлар «тулган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Меҳнатга ҳақ тўлашининг барча тизимларидаги ходимларнинг ўртанча иш ҳақи ходимнинг ўртанча иш ҳақи сақланиб қоладиган ойдан олдинги ўн икки календарь ой учун ходимга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар суммасининг ўн иккидан бир қисми микдориде белгиланади»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн тўртинчи қисмлари тегишинча тўртинчи – ўн иккинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги «еттинчи қисмига» деган сўзлар «тўртинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 259-модданин иккинчи қисмидаги «унинг» штатдаги ўринбосари» деган сўзлар «штатдаги унинг ўрнини босадиган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 273-модданин тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган

сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 278-модданин учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) 313-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Иш берувчи ходимдан интизомий жазо чораси қўлланилунига қақдар, шу жумладан агар интизомий қилмиш хизмат текшируви натижаларига қўра аниқланган бўлса, ёзма тушунтиришни талаб қилиши шарт»;

29) 343-модданин ўнинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 388-модда тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «қасб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал» деган сўз билан алмаштирилсин;

31) 385-модданин биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида кечки сиртки таълим шакли бўйича ўқийтган ходимларга ўртанча иш ҳақи сақланган ҳолда лаборатория-имтиҳон сессияларида иштирок этган давр учун ўқув таътиллари:

биринчи ва иккинчи курсларда кечки таълим шаклида ўқийтганлар учун олий таълим ташкилотларида – камида йигирма календарь кун, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида – камида ўн календарь кун, олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларидаги сиртки таълим шакли бўйича эса – камида ўттиз календарь кун;

учинчи ва ундан юқори курсларда кечки таълим шаклида ўқийтганлар учун олий таълим ташкилотларида – камида ўттиз календарь кун, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида – камида йигирма календарь кун, олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларидаги сиртки таълим шакли бўйича эса – камида қирқ календарь кун муддатга ҳар йили берилади»;

32) 392-модданин номи ва биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«392-модда. Хомилдорлиги ёки фарзандлари борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этишни, ишдан бўшатини ёки иш ҳақини камайтирини тақиқлаш

Хомилдорлиги ёки фарзандлари борлиги билан боғлиқ сабабга қўра ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатини ёки иш ҳақини камайтирини тақиқланади»;

33) 393-модданин: биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

402-модданин биринчи қисмидаги «камида ўн тўрт календарь кун» деган сўзлар «ўн тўрт календарь кунга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

412-модданин учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

416-модда учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «қасб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

417-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни «хизмат сафарига юбориш» деган сўзлардан кейин «иш вақтидан ташқари ишларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

433-модданин биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидаги ҳолларда ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўйилмайди:

ўн сақкиз ёшгача бўлган шахсларга;

агар ўриндошининг асосий иши ноқулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлса шундай шароитлардаги ишларда ишлашга (бундан соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари ходимлари мустасно);

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда»;

434-модда: биринчи қисмининг: «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ҳамда тўртинчи хатбошисларида назарда тутилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлари тегишли давлат органлари ва ташкилотларида

мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

40) 436-модданин биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) 437-модданин учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) 445-модданин олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) 503-модданин ўн бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) 525-модданин учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

45) 534-модданин биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

46) 535-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«535-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси (бундан бунён матнда Давлат меҳнат инспекцияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг таркибий бўлимаси бўлиб, у иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, аҳолининг бандлиги, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаз қилиш қондалари ҳамда меҳнат стандартлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ва текширувини амалга оширади»;

47) 559-модданин 1-бандидаги «қасаба уюшмаси қўмитаси» деган сўзлар «қасаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлиналари ва бошланч қасаба уюшмалари ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) 576-модданин тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) 577-модда: биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари»;

учинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги»;

тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва бошқа мақсаддор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органилари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўраги қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 13 февраль № УРҚ—1030

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ: САМАРҚАНДА ТАЖРИБАСИ

Иқлим ўзгариши ва сув тақчиллиги сезилаётган бугунги кунда томорқаларда илғор технологияларни қўлланган ҳолда маҳсулот етиштириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан томорқанин ҳар қарич еридан оқилона фойдаланиб, яхши даромад топиши учун аҳолига илмий ва амалий томондан қўмақлашини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Кўргазмали семинар



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган янги тизим асосида аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан Самарқандда ўтказилган республика кўргазмали семинарида айнан шу масалалар муҳаққаж қилинди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудид

ЎҚИМИШЛИ ОНАЛАР — БУЮК КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Саида Мирзиёеванинг "Facebook"даги саҳифасида эълон қилинган мана бу фикрлари эътиборимни ўзига тортди:

— Бугун Ўзбекистон олимпиадалари форумида Халқаро илм-фан соҳасидаги аёллар кунини нишонлаётимиз. Мамлакатимизда илм-фан соҳасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш устувор аҳамиятга эга эканидан фахрланаман.

Рақамларнинг ўзи айтиб турибди: Ўзбекистонда олимларнинг 48 фоизи аёллар! Улар-

нинг изланишлари, кашфиётлари ва фидойилиги илҳом бахш этади ва илм-фан уларга, улар эса илм-фанга кераклигини кўрсатади.

Биз халқроқ ҳамжамият билан илм-фан тинчлик ва фаровонликка хизмат қиладиган келажақни бунёд этиш йўлида биргаликда ҳаракат қиламиз!

Олима оналар ҳақида, уларнинг аҳамияти тўғрисида нисбатда топиб айтилган гаплар.

Хар биримиз жамиятда тутган ўз ўрнимиз, мавқеимиздан келиб

чиқиб, ўқимишли хотин-қизлар учун барча имкониятни яратишга эътибор беришимиз зарур. Президент ёрдамчисининг мазкур форумда иштирок этиб, олимпиадаларни қўллаб-қувватлаш бўйича олима оналарнинг қўллаб-қувватлаш шартлигини яна бир марта аниқлади.

Ўзбекистон олимпиадалари форуми ва юртимизда хотин-қизлар таълими бўйича қуйидаги юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборлидир:

Гулмира КЕЛДИРОВА,
Самарқанд давлат университети доценти:

— Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон олимпиадалари форумида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Форумда Президент ёрдамчиси Саида Мирзиёеванинг иштирок этиши ва қатнашчиларни самимий қўллаш биз, олимпиадаларни янада руҳлантирди. Президентимизнинг бизга кўрсатган эътибор ва эҳтиромидан бошимиз осмонга етди. Бу форум бутунлай расмийликдан йироқ бўлиб, олимпиадаларнинг мулоқот майдонига айланди. Бундай тадбирларга жуда катта эҳтибоб борлигини юрагимдан ҳис қилдим. Камтарона меҳнатим алоҳида қайд этилиб, илмий лойиҳам учун 410 миллион сўм грант маблағи ажратилгани кўзимга кўчди. Ўзбекистондаги мамлакатда яшаётганимдан, олимларни қўллашнинг уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатганидан Президентимиз борлигидан фахрланаман...



Лейла БЕЛЯЛОВА,
Самарқанд давлат университети доценти:

— Аёл учун олимлик мартабасини кўтариш осон эмас. Баъзида у сени нималардан кечиб қолдириши мумкин. Лекин олимпиадаларнинг жамиятга таъсири эътиборга эриштириш зарур. Бундай жамият ё қўллаб-қувватлаш ё тасодифан пайдо бўлса-да, узоқ ашмайди. Ўзбекистонда хотин-қизлар нафақат миллатнинг, мамлакатнинг, балки дунёни ўзгартиришга қодир. Миллатнинг салоҳияти, мамлакатнинг қудратли бўлиши олимпиадаларнинг ҳаёлинингизга келтирилмасми? Мамлакатимизда ҳеч қачон олимпиадаларга бугунгидек эътибор бўлмаган. Биргина ўзим мисолида айтсам, Зарарон давлат кўриқхонаси катта илмий ҳодимасиман. Халқроқ табиати муҳофаза қилиш иттифоқи ишчи гуруҳи аъзосиман. 2018 йилда BBC томонидан тузилган "Дунёнинг энг нуфузли 100 аёли" рўйхатида киритилганман. Бу муваффақиятларни Ватанимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор меваси, деб биламан.



Ҳабиба АБДИЕВА,
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, PhD:


— Мен 2024 йилда докторантлар ўртасида Президент Давлат stipendiyasiga сазовор бўлдим. Муддатидан олдин PhD диссертациясини химия қилдим. Бу ўз-ўзидан бўлган йўқ, албатта. Бунинг учун менга барча шарт-шароит яратиб берилди. Самарқанд давлат университетидаги Биокимия институтининг ҳаётнинг стандартлари ҳақида берадиган замонавий лабораториялар қўрилди. Барча зарурий ускуналар ўрнатилди. Илмий изланувчилар шу ернинг ўзида барча тадқиқотни олиб бора олади. Халқроқ тажриба ўрганиш учун дунёнинг хоҳлаган мамлакатига эшиги биз, ўзбекистонликлар учун очик. Хориқлик ҳамкорларимизнинг ҳам юртимизга келишида бирор муаммо йўқ. Мен ўзбекистонлик ёш аёл олимлар номидан Президентимизга раҳмат айтаётиман. Олима хотин-қизлар сафи Ўзбекистонда янада кенгайишига ишонаман. Янги Ўзбекистон гоёсини амалга оширишда бу жуда муҳим...



Рустам ХОЛМУРОВА,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

— Мен QS рейтингда "TOP — 574" ўридан жой олган Венгриянинг Дебресен университети докторантурасида (PhD) ўқиш учун ажратилган грантни қўлга киритдим. Бу муваффақиятга эришимиз Президентимизнинг хотин-қизлар таълимига ғамхўрлиги натижасидир.

Бугун Ўзбекистон ёшлари хориқдаги дуч келган олий ўқув юртида эмас, балки рейтинг юқори, нуфузи банд таълим марказларида ўқимокда, изланишлар олиб бормокда. Бу янги Ўзбекистоннинг очиклик сийсати мевасидир. Олис Венгрияда оилам яшаётган бўлсам-да, юрагим доим Ватанимда. Мен мамлакатимизнинг бугунги қамоли билан фахрланаман.



Юртдошларимизнинг юқоридаги фикрларини ўқиб, улар эришаётган ютуқларини кўриб қувонамиз. Олима аёлларимиз нафақат гуманитар фанлар, балки аниқ фанлар ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан ифтихор туяимиз. Президентимиз ўқимишли оналар деганда, биринчи навбатда, олимпиадаларимизни назарда тутгани, уларнинг миллатнинг буюк келажақини тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Миллатнинг тақдири ҳам, таълими ҳам, тараққиёти ҳам оналар қўлидадир. Бу ҳақиқатни хамиша ёдда тутайлик.



Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббус ва амалга оширилаётган ишларнинг юзасидан батафсил тушунарлар берилди. Қўнғинчилик фаолиятида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаол иштирок этиши, жойларда аҳоли ҳаётига ижобий таъсир қилувчи нормалар юзасидан тақдирлар билдириб бориши зарурлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Хоразм вилоятида маҳаллий Кенгаш депутатлари, қотиб янги мудирлари, сийсий партиаларнинг вилот кенгаши ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳўқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Зумрад Бекатова ҳамда Халқроқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хориқий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзоси Комила

«Халқ сўзи»

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Омбудсман маърузаси таҳлили

Мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Унда келтирилганидек, ўтган йилда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қўнун ҳужжатларини тақомиллаштириш, унга риоя этилишини мониторинг қилиш, фуқаролар муносабатлари билан ишлаш, аҳоли ва давлат органлари вакиллари ҳуқуқий онги ҳамда хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш соҳасидаги халқроқ ҳамкорлик, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам кириб туриш орқали маҳкумларни қийноққа солишининг олдини олиш борасида Омбудсманнинг ўрни ҳамда роли сезиларли даражада ошди.

Ҳисобот даврида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) номига мамлакатимиз ва хориқий давлатлар фуқаролари ҳамда омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа юридик шахслардан 23 422 та муносабат тушган.

Омбудсман томонидан муносабатларни ўрганиш натижасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қўнунбузилиш ҳолатлари, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан давлат органлари ҳамда идораларига, мансабдор шахсларга 182 та (2022 йилда 134 та, 2023 йилда 170 та) тақдимнома, талабнома, ариза ва даъво аризалари ҳамда хулоса шаклидаги таъсир чоралари киритилган.

Қўлланилган таъсир чоралари 2023 йилдаги нисбатан 7 фоиз, 2022 йилдаги нисбатан 35,0 фоиз ошган. Таъсир чораларининг 140 таси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, Омбудсман томонидан ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга 39 та (2023 йилдаги нисбатан 11 фоиз кўп) тақдимнома киритилди, уларнинг 30 таси ижобий ечим топган. Фуқаролардан келиб тушган муносабатлар ўрганилиши туфайли фуқаролик ва маммурий ишлар бўйича судларга киритилган 92 та ариза ҳамда даъво аризасининг 82 таси ҳал қилинган.

Меҳнатга оид ҳуқуқ бузилиши ҳолатлари билан боғлиқ муносабатлар ўрганилиши сабабли фуқароларнинг иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тўловлари бўйича ундирилган маблағлар 1 млрд. 832,9 млн. сўмини ташкил этган. 20 нафар фуқаро ишга тикланган, 7 та ҳолатда иш берувчининг ҳодимга нисбатан ноқонуний ҳаракатлари бартараф этилган.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ф. Эшматовнинг айтишича, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қўнунга кўра Омбудсманнинг ҳудудлардаги иштироки кенгайтирилиши билан бирга қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишдаги фаолияти ҳам кучайтирилган.

Утган йили Омбудсман ва Жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чеklangан шахслар сақланганидан жойларга 902 марта (2023 йилда 603 марта) мониторинг таъсир асосида ишларининг. Натижада жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қўнунчиликка риоя қилиниши устидан парламент назорати таъминлишига эришилган.

Депутатлар Омбудсманнинг ҳисобот давридаги фаолияти ақунари бўйича тақдим инсон маърузасида қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайримусоаб ва қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган мониторинглар сонини ҳамда сифати ўсиб бораётганини эътибор қилишди.

Омбудсманнинг фаолиятини янада тақомиллаштириш, фуқароларнинг янги тақдирдаги Конституция ва бошқа қўнунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш бўйича қатор тақдир ҳамда тавсиялар берилди.

Мажлисда сийсий партиялар фракциялари раҳбарлари Омбудсман маърузаси юзасидан ўз муносабатларини билдирди. Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Банкларни санация қилиш ва тугатиш механизмлари белгиламокда

"Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида"ги қўнун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қўнун лойиҳаси билан банкларни санация қилиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, банкларнинг иқтисодий ўнун муҳим бўлган вазибалари ҳамда хизматлари узлуқсизлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини химоя этиш ҳамда бу орқали молия ва банк тизими барқарорлигини таъминлашда санация воситаларидан самарали фойдаланишга доир ҳуқуқий асослар жорий қилинмокда.

Бундан ташқари, лойиҳада санация қилиш бўйича Марказий банкни ваколатли давлат органи сифатида белгилаш ва унга банкларни соғломлаштиришга оид ваколатлар берилиши назарда тутиляпти. Шунингдек, банкларни санация қилишда фойдаланиладиган воситалар ва ундан қўзланган асосий мақсадлар, банкларни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш бўйича қондалар белгилаётир.

Муҳокамада банкларни санация қилиш мақсадлари ва тамойиллари, санацияни молиялаштириш механизмлари, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини химоя этиш, банкларнинг бюджет маблағларига қарамлигини камайтириш, мижозларнинг банк тизими ишончини ошириш кўзда тутиляётгани ижобий баҳоланди.

Қайд этилганидек, ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатда молиявий барқарорликни сақлаш, банкларнинг тўловга қобилиятсизлиги ҳолатига тушиб қолмаслик, бундай ҳолат вужудга келганда эса банкларни иқтисодий ўнун муҳим вазибалари ва хизматлари узлуқсизлигини таъминлаш имконияти беради.

Қўнун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Аҳоли қалбаки маҳсулотлардан химоя қилинади

Мажлисда аҳолини қалбаки маҳсулотлардан химоя қилиш, рақамли маркировкалаш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қўнун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат лойиҳасида тадбиркорларга маркировка қўрилмаганлиги сотиб олиш харажатлари суммасига фойда, айланмадан олинадиган солиқ ва яққа тадбиркорлар учун



даромад солигини камайитириш ҳуқуқи берилмокда.

Мазкур қўнун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ имтиёзларининг самарали қўлланилиши, рақамли маркировкалаш ҳамда аҳолини қалбаки маҳсулотлардан химоя этиш тизимини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қўнун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Китоб ўқиган маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилади

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самардорлигини оширишга қаратилган қўнун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, жиноят-ижроия қўнунчилигини халқроқ ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ҳамда маҳкумлар билан муомалада бўлишга таалуқли принциплари ва норма-ларига ўйғунлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб бориломда.

Лекин илғор хориқий тажрибани инобатга олган ҳолда қўнунчиликка маҳкумларнинг қўнунга итоаткор ҳулқ-атворини, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қондалари ва аъналарига ҳурмат муносабатини рағбатлантиришга қаратилган меъёрларни киритиш зарурати юзага келмокда.

Ушбу лойиҳа билан Жиноят кодексига китоб ўқишга жалб қилиш орқали маҳкумларни ахлоқан тузатиш бўйича янги 74-модда киритилмокда. Унга кўра фақат жазо муддатини тўлиқ ўташи лозим бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган ва тасдиқланган рўйхат бўйича 1 та китоб ўқиган ва белгиланган тартибда имтиҳон топширган маҳкумнинг жазосини 3 кунга қисқартириш назарда тутиляпти.

Ушбу кодекснинг 73, 74-моддалари асосида эса жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш масаласини ҳал этиш вақтида инобатга олиниши белгилаётир. Бундан ташқари, маҳкумларнинг ўзини ўзи тарбиялаш йўли билан тузалаш йўлига ўтганлигини исботловчи ҳаракатларни бажариши муносабати билан жазо муддатини қисқартиришнинг процессуал тартиблари ҳамда зарур бўлган адабиётлар билан таъминлаш белгилаш бўйича Жиноят-процессуал кодексини 536-модда, Жиноят-ижроия кодексини 80-модда билан тўлдирш назарда тутиломда.

Мажлисда қўнун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Солиқ имтиёзлари берилмокда

Шунингдек, мажлисда паррандачилик соҳасини ривожлантириш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қўнун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Мазкур лойиҳа билан 2030 йил 1 январга қадар паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини юридик шахслардан олинадиган ер солигини (экин майдонларидан ташқари) тўлашдан озод этиш белгиламокда.

2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимдаги стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бино-иншоотлари ва ер участкаларини ижарага беришдан олган даромадларни бўйича фойда солиғи, шунингдек, ижарага берилган объектлари ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солигини тўлашдан озод этилиши назарда тутиляпти.

Паррандачилик корхоналари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, болаларга яратиладиган шарт-шароитларни яхшилаш, болаларни соғломлаштириш ва ақлий ривожлантириш бўйича ишлар самардорлигини оширишга хизмат қиладиган ушбу ҳужжат лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада тақомиллаштиришга оид қўнун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қўнун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг 12 турдаги лицензия, рўхсат бериш ва хабарнома олиш талаби бекор бўлиши, лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш бўйича аризаларни давлат хизматлари марказлари орқали ҳам тақдим этиш имкониятини яратиш белгиламокда.

Лойиҳа лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини

Тенг шароит ва рақобат муҳити

Мажлисда лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада тақомиллаштиришга оид қўнун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қўнун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг 12 турдаги лицензия, рўхсат бериш ва хабарнома олиш талаби бекор бўлиши, лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш бўйича аризаларни давлат хизматлари марказлари орқали ҳам тақдим этиш имкониятини яратиш белгиламокда.

Лойиҳа лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини



қисқартириш борасидаги ислохотларни ўзига акс эттириб, у билан амалдаги 3 та кодекс ва 5 та қўнунга тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тақдир қилинмокда.

Шунингдек, 12 та лицензия, рўхсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомили бекор қилиниши, 4 та лицензия ва рўхсатнома хабардор этиш тартибига ўтказиш кўзда тутиляпти. 1 та хабарнома юбориш тартиб-таомили рўхсат бериш тартибига, 2 та лицензия учун хулоса олиш бекор қилиниши назарда тутиломда. 3 та рўхсат бериш тартиб-таомили "Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қўнунга мувофиқлаштириляпти.

Божхона кодексидан эса божхона ташуви-чиларининг реестрига киритилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар чиқариб ташланмокда. "Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қўнуннинг айрим моддалари лицензиянинг фаолият турлари ўзаро бирлаштирилиши муносабати билан тақомиллаштириляпти.

Бундан ташқари, жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миждорининг 50 фоизи 15 кун ичида, 70 фоизи 30 кун ичида ихтиёрий равишда тўланганда, лицензияни, рўхсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки хабарнома юбориш тўғрисидаги ариза билан ваколатли органга муносабат қилинган тақдирда, жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилиши белгилаётир.

Мажлисда депутатлар қўнун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни янада тақомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, тақдирларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди. Қўнун ташаббускорлари барча саволларга батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Ҳужжат лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Пенсияни проактив шаклда тайинлаш тартиби

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қўнун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Таъкидланганидек, фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида инсон омилини камайитириш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш, соҳада илғор рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда фуқароларни ижтимоий химоя қилиш дастурлари самардорлигини "Инсон кадри учун" тамойили асосида қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмокда.

Ушбу қўнун лойиҳаси билан аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонавий ахборот технологияларини фаол татбиқ этган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қўнунга пенсия олиш ёшига тўлган (эркақлар 60 ёш, аёллар 55 ёш) фуқароларга ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида муносабатини талаб қилмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмокда.

Ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатламига нафақаларни тайинлаш ва тўлаш Ижтимоий химоя миллий агентлиги ваколатига ўтказилган муносабати билан "Давлат божи тўғрисида"ги ҳамда "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қўнунларга ҳам ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тақдир этиляпти.

Мажлисда қўнун лойиҳаси юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Қўнун ташаббускорлари депутатлар саволларига батафсил жавоб қайтарди. Аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонавий рақамли технологияларни фаол татбиқ этган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган ушбу қўнун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи»

Бобур Мирзо — халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшайпти.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Рубоийлар

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгули меҳнатда киши.
Кўнгул бу гарибда шод ўлмади, ох,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Туз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айшдин кўнгули зинҳор,
Ўз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Сен гулсену мен ҳақир булбулдирмен,
Сен шуъласен, ул шуъллага мен қулдирмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Мирзо Бобур шахсияти ҳақида сўз юритганда, даставвал, шууримизда унинг феъли-саҳияси, руҳияти, ички олами намойиш бўлади. Аслидан ҳукмдор, аммо оддийлик мақолини афзал билган буюк бобомизга нисбатан чуқур эҳтиром туямиз. Мирзо Бобур бирда юрт эгаллаган, кескирфеъл, моҳир саркарда, бирда илоҳисиз, имконсиз, саросар кезган озурда сиймо қиёфасини акслантиради.

Ибрат

Шоир она тилимиз имкониятларини чуқур англаган, сўзнинг нозик қирраларини, таъсирчанлик хусусиятларини яхши ўзлаштирган, алоҳида лисоний қобилиятга эга буюк мутафаккир. У туркий адабиёт мулкнинг Алишер Навоийдан кейинги соҳиби, сўз орқали бетакрор портрет, пейзаж намуналарини яратган ўз даври тарихнависи ҳамдир.

Мирзо Бобурнинг лидерлик қобилияти “Бобурнома”да келтирилган бир воқеада аққол англашлади. Унга кўра, Кобулга боришда қисқа йўл сифатида танланган йўналиш то орқали ўтган бўлиб, қорнинг қўлпиғи ва бўрон аралаш кўп ёғаётгани юришни қийинлаштиради. Бобур йўлбошчининг қийналганини шундай тасвирлайди: “Пир Султон отлик пешойи боши эди, қарилгидинму ё олдоронгидинму, ё қорнинг улуглигидинму, йўлни йўқотти, бошлай олмади”. Қорли йўлда чеккан захматларини тасвирлаб, “ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортди, андоқким мударатул-умр мунча машаққат камроқ тортди эди”, дейди ва шу байтни келтиради:

Чархине мен кўрмаган жавру жафоси қолдим,
Хаста кўнгул чекмаган дарду балоси қолдим.

Ушбу матла муаллиф ички нутқининг шоирона ифодасидир.

Мирзо Бобур ўзи қор тепиб, йўл очади. Тасвирлардан бу жарағининг жуда қийинлигини англаш мумкин: “Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қанбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди. ...Хар қадам қўйганида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди... ўн-ўн беш-ийгирма киши яёқ қорниким тепар эди...” Улуг саркарда бошқаларни қор тепиб йўл очишга даъват қилмади. Қолган беклар ва аскарларнинг ўз ихтиёри билан бу ишга бош қўишсини истади. Хар кимнинг ҳиммати ва журъятига ташлаб қўяди. Бу ҳолга муносабатини “...ўзга тамом ўбдон-ўбдон йиғилар ва бек отонгонлар отларидин ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилгон йўлга кириб, бошларин қуйи солиб келурлар эди. Маҳал ул эмас эдиким, кишига тақлиф ва зўре қилилмай, ҳар кимнинг ҳиммати ва журъати бўлса, бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур”, дея изоҳлайди. Бу ўринда Мирзо Бобурнинг нафақат етакчилик қобилияти, айти пайтда юксак инсонпарварлиги намойиш бўлади.

Буюк аждодимиз ҳаёти давомида одамларга яхшилик қилиб яшаган, бошқаларни ҳам шунга даъват этган. Номардликни, мутақаббилликни қоралайди, яхшилик билан ном қолдиришни иккинчи умрга тенглаштиради. Улугларни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатишга қорлайди.

Улуг шоир асарларини омаллаштириш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод қалбига сингдириш, ҳозирги даврда, айниқса, муҳим. Жумладан, “Бобурнома” матни бугунги ўқувчи учун айрим сўзлар изоҳ талаб этса-да, тушунарли, тили раван. Асар матнини алоҳида сарлавлалар билан кичик ҳикоялар қўйишида таълим муассасалари, айниқса, “Темурбеклар мактаби”, ҳарбий-академик лицейларда ўқитиш ёш авлодга ҳарбий ватанпарварлик руҳини кучайтиришга ҳисса қўшади.

Бобур Мирзо фақат улуг давлат арбоби, жанг майдонларидаги қаҳрамон эмас, балки авлодларни юксак кадрлар, бағрикенглик, элпарварликка ундовчи феъли-саҳияси билан ибрат тимсоли бўлиб қолади.

Зулхумор ХОЛМАНОВА,
филология фанлари доктори, профессор.



«Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўтқардим»

Хар бир миллатнинг даҳо саналган вакиллари бор. Улар оламдан ўтсалар-да, фалсафий қарашлари, ўзидан қолдирган бой маданий мероси билан ҳаммиша барҳаёт. Улар миллатга хос тимсол сифатида талқин этилиб, ҳаёт йўллари, қолдирган бебаҳо асарлари алоҳида эътибор билан ўрганилади. Шу маънода, Мирзо Бобур шахси ва ижодида нафақат тугилган Ватанида, балки хорижий олимлар томонидан ҳам катта қизиқиш билан қаралади.

Бир ғазал шарҳи

Яратган улуг шоҳ ва шоирга шундай қувват ҳамда қудрат ато этдики, у кўрган-билган, бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни юксак бадиият билан қозғога туширди. Йиллар силсиласи, тахт учун курашлар, яқинлар томонидан қилинган бевафолликлар, Ватандан жудолик унинг қалбини ларзага солди. Ана шу хотиралар ва хиссиётлар “Бобурнома” асарининг яратилишига сабаб бўлди.

Мирзо Бобур ёр ишқи куйланган ғазалларида ҳам ўз ҳаёт йўлини, руҳияти, кайфиятини ёритишга интилди. Хусусан, “Хазон яфроғи янглиг гул юзунг ҳажрида сарғардим” мисраси билан бошланувчи ғазали бу борада муҳим ўрин тутди:

Хазон яфроғи янглиг гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Қўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чехрай зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг сарқашлигингни сародек ҳаргиз,
Аёғинга тушиб, барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен ари даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим, сориғ юзүмдин эл танаффулда,
Ба ҳар ранге, бихамдлаллаҳ, улүсдин ўзини қутқордим.

Не тоғедур мангаким, ахтари бахтим топмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўтқардим.

Шоир ғазалининг аввалги байтларида ёр ишқида хазон каби сарғайгани, бу “гул”нинг васлига етиш мушқуллиги, у ҳаргиз сародек сарқашлигини қўймаглигини баён этади. Шунда ҳам ошиқ ўз ёрига эзгу тилақлар билдиради, унинг хазон каби сўлмай боғ ичида хуррам, яъни бахтиёр қолишини истади. Кейинги байтларда хазондек сарик юзи, қонли ёшларидан жирканётган эл-улусдан ўзини олиб қочганини ифодаларкан, ўз тақдирдан қунонади. Унинг учун одамларнинг таънаю таърифи энди ҳеч нарса эмас. Зеро, у бу оламда ҳаётнинг пасту баландини кўрган, аччиқ-чучугини тотган, яхши-ёмон кунларни ўтказган.

Асарнинг лирик қаҳрамони ёрдан жафо чеккан бўлса-да, ўзгага ёмонлик истамайди. Чунки унда олий мақсад сари ҳаракат қилиб, эл фаровонлиги учун жидду ҳаҳд қилган Мирзо Бобур сиймоси ақс этади.

Ғазалда ташбех, таъод, ийҳом ва бошқа бадиий санъатлардан юксак маҳорат билан фойдаланилгани, улар муаллифининг ўзига хос услубини намойиш қилиб турибди.

Қисмат синовларини бошидан ўтказган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ана шундай ўта серқиррадир. Унинг асарлари маъносини қақши, бадиий маҳоратига, истеъдоди-га баҳо бериш ҳам мураккаб масала. Зеро, биргина ғазали шарҳида ҳам “Хазон яфроғи янглиг” сарғариб, бунга яна бир бор амин бўлиб турибмиз.

Зиёдаҳон ТЕШАБОВЕВА,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

ҚАЛБ ҚАТИДАН СИЗГАН САТРЛАР

Улуг шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек умумтос шеъриятининг кўпжа жанрларида самарали ижод қилган, бироқ унинг адабий меросида рубоий жанри алоҳида ўринга эга. Қайд этиш жоизки, шоир рубоийларида лафзий ва маънавий санъатлар, фольклоризми маҳорат билан қўллаган.

Тадқиқ

Улардан бири такрор санъати ҳисобланади. Баъзи рубоийлар матнида нафақат бир жумла, ибора, сўз бирикмалари, балки бир мисра тўлиқ такрор санъатида қўрилганини ҳам кузатиш мумкин. Масалан:

То бўғали дилдор ўшал ой менга,
Ҳақини билиб қилмади парвойи менга,
Мен асру харобу ёр кўп мустағний,
Эй вай менга, вай менга, вай менга!

Мирзо Бобур кучли дидактик, фалсафий оҳангга йўғрилган “Душманники, бу даҳр забардаст қилур, Наҳзат майишди бир неча кун маст қилур. Ғам емаки, еткурса бошини кўкка, Охир яна ер киби они наст қилур.

Шеърдаги “Еткурса бошини кўкка” ва “Ер киби они наст қилур” иборалари муаллифининг таъод қўллаш санъатини ҳам намойиш қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, улуг шоир “Бобурнома” мемуарида ибора, ҳикматли сўзлар, мақол, маталлардан кенг фойдаланиб, ирсолли масал санъатининг бетакрор намуналарини яратган.

Яна халқнинг эзгу нияти ифодаси бўлмиш “Уйинг галлага ёки буғдойга тўлсин” деган

машҳур иборани Мирзо Бобур усталик билан бир мисра қатига жо этган рубоий ҳам ёзган. Мазкур асарнинг ўзига хос ёзилиш тарихи бўлиб, бу ҳақда “Бобурнома”нинг 1500-1501 йил воқеалари баёнида батафсил маълумот берилган. Унда айтилишича, таниқли шоир Биноий ўзининг танг ахволини шеърини усулда баён этиб, ундан қийим, галла сўраб форс тилида бир рубоий ёзиб юборган. Чунки: “...Навода бир амал менинг отимга боғлаб ўтқарди. Ушул аснода бир рубоий айтиб ўтқарди.

Не галла маро к-аз ў тавонам нўшид,
Не муҳмали галла то тавонам нўшид.
Опро, ки на хўрданасту не нўшидан,
Дар илму ҳўнар кўжо тавонад кўшид.

Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале галла тугатмайду эрдим. Биргина туркий рубоий айтиб ийбордим.

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлгусидур!
Иньому вазифа — бори буйрулгусидур!
Ул галлаю муҳмиаки, деб эрдинг, бердим,
Муҳмилга бўю галладин уй тўлгусидур!”

Мирзо Бобур ўзининг бадиий истеъдодини ишга солиб, Биноийга “Ишлар бори кўнгул-

дагидек бўлгусидур!” дея шохона тарзда жа-воаб айтган экан, уни қийим, сарупо билан тақдирлаш, уйини эса галла билан тўлдирини ҳақидаги амри хабарини маҳорат билан шеърга солади. Муҳими, шоир рубоийда халқ орасида машҳур бўлган “Уйинг галлага тўлсин” деган ҳикмати ҳам ўз маъносидан қўлаб, Биноий уйига галла жўнатган ва кўчма маънода ҳам ишлатиб, унга ўзининг нек нияти ва ишончини баён қилган.

“Бобурнома”да келтирилган бу каби қизиқарли тасвирлар темир йўқдорлар, хусусан, подшоҳ Бобурнинг бадиий адабиёт, санъат, маданиятга ва қалам аҳлига қаратган юксак эътирфи ҳамда кўрсатган ҳомийлигини хабар беради.

Демак, рубоийларнинг ҳам мазмун, ҳам поэтик жиҳатдан мукамал бўлишида, ўзаро мунособиллик касб этишида, Мирзо Бобур маҳорат билан қўллаган шеърини санъатлар, рафидларнинг ўрни бекёёс бўлса, у тузган мантқан кўчи қофиялар тизими ҳам шоир асарларининг автобиографик хусусиятини таъминлашга, ўқиниши ва таъсирли бўлишига хизмат қилган.

Бурбои РАҲАБОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими.

Шу йил 15 май кунини юртимизда «Ўзбекистонда янги аҳоли халқларининг маданий ҳамкорлик истиқболлари» мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўламақлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштираган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Норбоев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6